



CRIMINAL LIABILITY OF INDIVIDUALS FOR MONEY LAUNDERING AND TERRORIST FINANCING

Botirhoja Jurayev

PhD. representative of the company "Uzbek Leasing International AO"

ORCID:0000-0002-5630-5853

uzleasing@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13170699>

ARTICLE INFO

Received: 22th July 2024

Accepted: 30th July 2024

Online: 31th July 2024

KEYWORDS

Islamic banks, Shariah supervisory board, legal basis, jurisprudence, investment activity, standard, usury.

ABSTRACT

In this article, scientific observations on sharia supervisory boards, which ensure the compliance of Islamic banks with Sharia, are presented. The activities of international Islamic institutions that set standards for such content have been analyzed. The experience of some countries regarding the organization of these structural structures has been studied and conclusions have been drawn on the possible benefits for our country.

АЙРИМ МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАР ИСЛОМИЙ БАНКЛАРИДА ШАРИАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЛОҲИДА ЖИҲАТЛАРИ

Ботирхўжа Жўраев

PhD "Uzbek Leasing International AO" лизинг

компанияси ҳудудий вакили

ORCID: 0000-0002-5630-5853

uzleasing@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13170699>

ARTICLE INFO

Received: 22th July 2024

Accepted: 30th July 2024

Online: 31th July 2024

KEYWORDS

Исломий банклар, шариат кузатув кенгаши, қонунчилик асоси,фиқҳ, инвестицион фаолият,стандарт, судхўрлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада исломий банклар фаолияти шариатга мувофиқлигини таъминловчи шариат кузатув кенгашларига доир илмий мулоҳазалар баён этилган. Мана шундай таркиблар учун стандартларни белгиловчи халқаро исломий муассасалар фаолияти таҳлил қилинган. Мазкур таркибий тузилмаларни ташкил этиш борасидаги айрим мамлакатлар тажрибаси тадқиқ этилган ва мамлакатимиз олиши мумкин самаралар бўйича хулосалар шакллантирилган.

Кириш. Исломий банклар диний қарашларга асослангач, фаолиятларини шариат тамойилларига мувофиқ келишини кафолатловчи махсус ташкилотга эҳтиёж сезади. Шунинг учун аксарият исломий банкларда шариат кузатув кенгашлари ёки кенгашлар иш олиб боради. Исломий банк йиллик ҳисобот билан бир қаторда кузатув кенгашидан олинган ўзининг шаръий-молиявий фаолияти ҳақида ҳам ҳисобот тақдим этади.



Исломий молия муассасалари учун бухгалтерия ва аудит ташкилоти (Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions – AAOIFI) шариат кузатув кенгашига қуйидагича таъриф беради:

“Шариат кузатув кенгаши ҳуқуқшуносларнинг мустақил ташкилоти бўлиб, муомала соҳасидаги фикҳ масалаларига ихтисослашади (исломий - тижорий юриспруденция). Лекин, шариат кузатув кенгашига нафақат муомала соҳасидаги фикҳ масаласига ихтисослашган ҳуқуқшунослар, балки муомала соҳасидаги фикҳ масалаларини яхши тушунадиган, исломий молия муассасалари соҳасидаги мутахассислар ҳам киради. Кенгашга исломий молия муассасалари фаолияти мақсадлари шариат қоидаларига мувофиқлигини таҳлил этиш ва назорат қилиш вазифаси юклатилади. Шариат кузатув кенгашининг фатво ва қарорлари исломий молия муассасалари учун бажарилиши мажбурийдир”¹.

AAOIFIнинг 2000 йил июнь ойидаги исломий молия муассасаларини тартибга солиш, ҳисоб юритиш, аудити учун тузилган стандартлари талабларида барча молия муассасалари учун ўз шариат кузатув кенгашларига эга бўлиш белгиланган бўлсада, амалиётда бундан чекинишлар бор. Масалан, Жанубий Африкадаги Ал-Барака Бэнк йиллик ҳисоботларида назорат бўйича Қўмита ҳисоботи мавжуд эмас, бу эса бундай қўмитанинг умуман мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса қилишга олиб келади.

Мана шундай ҳолатни Судан Тадамон Исламик Бэнк мисолида ҳам кўрсатиш мумкин. Мазкур банк таъсис ҳужжатлари банкнинг Фатво ва тадиқиқот бошқармаси тузган ҳисоботнинг бўлишини талаб этади, холос, шариат кузатув кенгаши қўмитаси бўлиши зарурлиги тўғрисида эслатилмайди ҳам².

Қўмитанинг вазифаларига қуйидагилар кириши керак: мижозларни шариат талабларига мувофиқ келувчи банк хизматлари билан таъминлаш, банкнинг инвестицион фаолиятини назорат қилиш, банк бошқарувини шариат ҳуқуқи асосида назорат этилишини ташкил этиш. Бир банкда банк фаолиятининг икки тизими – исломий ва анъанавий банк тизимини юритиш бундай кузатув қўмиталари ишини қийинлаштириб қўяди³.

Адабиётлар шарҳи.

Шариат кузатув кенгаши аъзолари нафақат шариат соҳасида, балки замонавий банк тизими ҳақида чуқур билимларга эга бўлишлари лозим. Бундан ташқари, қўмита аъзолари холис бўлишлари, юқори орган таъсирига берилмасликлари ва ҳақиқатни ифода этишлари шарт.

Кузатув кенгашларини ташкил этиш банк қандай мамлакат таъсири доирасида бўлишига кўра, турлича бўлиши мумкин. Айрим мамлакатлардаги қонун меъёрлари исломий банкларда шариат қўмиталари мавжуд бўлишини талаб қилади.

Кузатув кенгашларини ташкил этиш банк қандай мамлакат таъсири доирасида бўлишига кўра, турлича бўлиши мумкин. Айрим мамлакатлардаги қонун меъёрлари

¹ Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions. Accounting, Auditing and Governance Standards for Islamic Financial Institutions. Manama (Bahrain), 2000.

² Tadamon Islamic Bank. Annual Report (various issues). Sudan. Temple, Peter. .Islamic Banking: 50. Principles as Well as Roots..Accountancy. Vol. 110, Iss. 1187 (July 1992): 46-47.

³ С.Хорун. В.Н.Азмий, Исломий молиялар ва банк тизими. Тошкент. Ўзбекистон НМИУ.2014 й. 248-б



исломий банкларда шариат қўмиталари мавжуд бўлишини талаб қилади. Масалан, Малайзияда 1983 йилда қабул қилинган “Исломий банк фаолияти тўғрисида”ги қонун 5 –бўлимида мазкур талаб кўрсатиб қўйилган – Малайзия Марказий банки низомида кузатув кенгашлари ёки қўмиталари тузиш кўрсатилмаган исломий банкларга лицензия бермайди⁴. Қўмита эса ўз навбатида банкка, Исломда рухсат этилмаган молия амалиётларини ўтказмаслик кафолатини таъминлаш учун маслаҳатлар бериб туради.

Иорданияда шариат қўмиталарини тузиш “Инвестицион ва молиявий исломий банклар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Қонуннинг айрим бўлимларидан қуйида келтириб ўтилган⁵.

27- бўлим:

(i) Директорлар кенгаши сайловдан кейинги 15 кун ичида исломий қонунчилик бўйича маслаҳатчини тайинлайди, маслаҳатчи исломий тамойил, ҳуқуқ ва анъаналар соҳасида таниқли мутахассис бўлиши лозим;

(ii) Маслаҳатчи ўз лавозимидан Кенгаш резолюцияси кўра, камида 2/3 қисм аъзоларнинг қўпчилиги овози билан шундай бўлатиш учун асослар етарли бўлган тақдирда озод этилади.

28-бўлим:

Директорлар кенгаши, юқорида таъкидланган маслаҳатчининг қуйидаги масалалар бўйича хулосасини олиш учун унинг вазифаларини белгилаб беради:

(i) битимларда судхўрлик шаклларининг бўлмаслиги кафолатини таъминлаш мақсадида банкнинг бошқа шахслар билан муносабатларда ишлатадиган амалиётдаги тартиб ва қоидаларини;

(ii) Кенгаш қарори фойдасига фикҳий асосларни топиш мақсадида банкни инвестицион зарар келтиришга мажбур қилувчи сабабларни.

Кувейт Файненс Хаус низоми ва таъсис шартномасида маслаҳатчи кенгашни тайинлаш кўрсатиб ўтилган, лекин Джордан Исламик Бэнкдан фарқли равишда бу низомда шундай кенгаш тузиш деталлари кўрсатилмаган. Қуйида Кувейт Файненс Хаус низомидан парчалар келтирилган⁶:

62-Модда:

Компания ҳуқуқий, молиявий ва иқтисодий тадиқотлари ўтказишга ихтисослашган маслаҳат кенгашини сақлаши керак. Бундай ихтисослашган кенгаш ҳалқаро обрўга эга бир қатор мутахассислардан иборат бўлиши мумкин.

Айрим мутахассисликлар бўйича компания бир мутахассис ёки маслаҳатчини жалб этиши мумкин, лекин шундай маслаҳатчи ва мутахассисларнинг барчаси Директорлар кенгаши қарори билан тайинланади. Тайинланган шахслар ва компания ўртасидаги муносабат уларга юклатилган тадиқотлар билан чекланиши лозим, уларнинг тадиқот ва тавсиялари, Директорлар кенгаши Раисига ёки Кенгаш шундай мақсадларга ваколат берган кенгаш аъзоларидан бирига тақдим этилади.

63-модда:

⁴ Bank Islam Malaysia Berhad. Annual Report (various issues).

⁵ Jordan Islami Bank. Annual Report (various issues).

⁶ Kuwait Finance House. Annual Report (various issues).



Маслаҳат кенгашлари, мутахассис ва алоҳида маслаҳатчилар ўз вазифаларини асосан Қувайтда бажарадилар. Аммо, маслаҳатлар алоҳида ҳолларда Қувайтдан ташқарида ҳам ўтказилиши мумкин, бу эса Бошқарувчи директор ёки Раис тавсиясига кўра ҳар бир алоҳида ҳолат учун, Директорлар кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади. Бундай ҳолларда, Қувайтдан ташқарида ўтказиладиган йиғилишда Директорлар кенгаши вакили сифатида иштирок этувчи шахс кенгаш қарорида ҳам кўрсатилиши лозим.

64-модда:

Жамиятнинг Директорлар кенгаши унинг Раиси ёки Бошқарувчи директори тавсиясига кўра, маслаҳат кенгаши, мутахассис ва яқка тартибдаги маслаҳатчилар ваколатлари доирасини белгилайди, бунда уларнинг компания билан муносабати доимий ёки бир марталик экани инобатга олинмайди. Бундан ташқари, Директорлар кенгаши бундай вазифа ва тадбирларга тегишли қоидаларни (ички меъёрий ҳужжатлар доирасида) ўрнатиши шарт.

Тадқиқот методологияси

Мақолани тайёрлашда илмий нашрларда, ҳалқаро ҳисоботларда чоп этилган турли мақолалар, маълумотлар ва шарҳлардан фойдаланилган. Мазкур маълумотларнинг аксарияти ислом молияси ва банкчилиги, муқобил молия муассасаларида шариат кузатув кенгашларини ташкил этишга оид ҳисобланади. Мақолада жамланган маълумотлар асосида, турли мамлакатлар Марказий банклари ҳузурида ва исломий банкларда ташкил этилган шариат кузатув кенгашларининг фаолияти ҳуқуқий пойдевори ўзаро таққосланган, илмий изланишнинг хулоса ва тахминлари баён этилган. Барча маълумотлар аниқ ва ишончли манбалардан олинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

AAOIFI томонидан чоп этилган стандартларга асосланиб, Кенгашни тайинлаш, иш ҳақи белгилаш, таркиби, танлови ва бўшатиш билан боғлиқ масалалар қуйида баён этилади⁷:

Ишга тайинлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш:

- ҳар бир исломий молия муассасаси шариат кузатув кенгашига эга бўлиши лозим, кенгаш аъзолари Директорлар кенгашининг тавсиясига кўра, ҳиссадорлар йиллик йиғилишида тайинланади, бунда маҳаллий меъёр ва қонунлар инобатга олинади. Ҳиссадорлар Директорлар кенгашига шариат кузатув кенгаши аъзолари учун иш ҳақи белгилаш ваколатини бериши мумкин;
- Шариат кузатув кенгаши ва исломий молия муассасаси ҳамкорлик шартлари тўғрисида келишиб олишлари лозим. Келишув шартлари тайинлов тўғрисидаги буйруқда ўз ифодасини топиши лозим;
- Шариат кузатув кенгаши исломий молия муассасаси Шариат кузатув кенгашини тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлаштириш ва тасдиқлаш ишларини амалга оширишини кафолатлаши лозим. Шариат кузатув кенгашини тайинлаш тўғрисидаги буйруқда

⁷ Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions. Accounting, Auditing and Governance Standards for Islamic Financial Institutions. Manama (Bahrain), 2000.



исломий молия муассасасининг фаолияти шариат тамойиллари ва қоидаларига мувофиқлигини қайд этувчи жумла бўлиши лозим;

• Шариат кузатув кенгаши ўз аъзоларидан бири ёки бошқа кузатувчи томонларни, мажбуриятлар бажарилиши таъминлаш учун тайинлаши мумкин.

1-жадвал⁸

Айрим исломий банклар шариат кузатув кенгаши бўйича маълумот

Банк номи	Қўмита номи	Аъзолар умумий сони
Abu Dhabi Islamic Bank, БАА (1999)	Шариат кузатув кенгаши ва фатволар бўйича кенгаш	5
Albaraka Islamic Bank, Баҳрайн (1998)	Шариат кузатув кенгаши	5
Bahrein Islamic Bank, Баҳрайн (1999)	Диний назорат қўмитаси	6
Bank Islam Malaysia, Малайзия (1999)	Шариат кузатув кенгаши	5
Bank Muamalat Indonesia, Индонезия (1999)	Деван Пенгавас Шариа	5
Dubai Islamic Bank, БАА (1999)	Шариат ва фатво кузатув гуруҳи	4
Faisal Islamic Bank of Bahrein, Баҳрайн (1999)	Шариат кузатув кенгаши	6
Faisal Islamic Bank of Egypt, Миср (1998)	Шариат кузатув кенгаши	4
Islami Bank Bangladesh, Бангладеш	Шариат кенгаши	10
Jordan Islamic Bank, Иордания	Шариат кузатув кенгаши	3
Kuwait Finance House, Қувайт (1999)	Шариат ва фатво кузатув гуруҳи	4
Qatar Islamic Bank, Қатар (1998)	Шариат кузатув кенгаши	4

Шариат кузатув кенгаши назоратидаги исломий банк фаолиятининг шариат ҳуқуқига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги бўйича хулосалар, мос банкнинг йиллик нутқида акс эттирилади. Нутқ ҳажми банкнинг сиёсатига боғлиқ бўлади. Бэнк Ислам Малейжа Берхад ва Кувейт Файненс Хаус шариат кузатув кенгашлари нутқи айтарли қисқа бўлади, унда мос банкларда ўтказилган амалиётлар шариат қоидаларига мувофиқ келиши баён этиб берилади.

Масалан, Иордания, Бангладеш, Баҳрайн, ва БАА даги шариат кузатув кенгашлари банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ фаолиятига батафсил шарҳлар беради. Покистон ва Эрон каби мамлакатларда кузатув кенгашларини бўлиши мақсадга

⁸ Интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси



мувофиқ эмас, чунки ҳукумат ҳокимиятнинг бош ташкилоти сифатида исломий банк амалиётларига таъаллуқли фатволарни чоп этиб туради, бу банкларнинг йиллик ҳисоботларидан шариат кузатув кенгашлари нутқини олиб ташлаш имконини беради.

AAOIFI стандартларига мувофиқ, кузатув қўмиталарининг ҳисобот ёки нутқлари қуйидаги асосий унсурларни ўз ичига олиши лозим⁹:

- Сарлавҳа
- Кимга йўналтирилган
- Очиш ёки кириш абзаци
- Бажарилган иш хусусиятини изоҳловчи шарҳ пункти
- Исломий молия муассасаси фаолияти шариат қоида ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисидаги баёнот
- Нутқ санаси
- Шариат кузатув кенгаши аъзолари имзоси

Хулоса ва таклифлар.

Исломий молия муассасаларида шариат кухатув кенгашларини ташкил этиш масаласи у ёки бу мамлакатнинг давлат тузилишига алоқадор эканлиги маълум бўлди. Шунинг билан бирга айрим мамлакатлар қонунчилигида шариат кенгашлари тузиш лозимлиги ҳақида сўз юритилмасада, бу мазкур мамлакат исломий молия муассасалари бундай таркибга эга бўлмаслигини англатмайди.

- AAOIFI каби ҳалқаро ташкилот стандартларининг мавжудлиги замонавий исломий молия муассасалари шариат кенгашларини ташкил этишда ўзига хос маёқ бўлиб хизмат қилади;

- Шариат кузатув кенгашлари марказлашган ёки марказлашмаган ҳолда ташкил этилиши ҳам мумкин;

- Шариат кенгаши аъзолари сони турли молия муассасалари ўртасида фарқли бўлиши амалиётдан маълум бўлди;

- Кенгаш аъзолари қарор қабул қилишда мустақил ҳисобланади ва уларнинг қарори сўзсиз ижро этилиши ҳиссадорлар ва молия муассасаси мижозлари маблағлари ҳимоясини ва шариат талабларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган;

Анъанавий банкларда очилган “исломий дарча”лар фаолиятини назорат этувчи шариат кенгашлари амалиёти ҳуқуқий асосини яратиш мамлакатимиз учун жиддий тажриба мактабини ўтайди.

References:

1. Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions. Accounting, Auditing and Governance Standarts for Islamic Financial Institutions. Manama (Bahrain), 2000.
2. Tadamon Islamic Bank. Annual Report (various issues). Sudan. Temple, Peter. .Islamic Banking: 50. Principles as Well as Roots..Accountancy. Vol. 110, Iss. 1187 (July 1992): 46-47.

⁹ Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions. Accounting, Auditing and Governance Standarts for Islamic Financial Institutions. Manama (Bahrain), 2000.



3. С.Хорун. В.Н.Азмий, Исломий молиялар ва банк тизими. Тошкент. Ўзбекистон НМИУ.2014 й. 248-б.
4. Bank Islam Malaysia Berhad. Annual Report (various issues).
5. Jordan Islami Bank. Annual Report (various issues).
6. Kuwait Finance House. Annual Report (various issues).